

ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ СҮНГИ ЎРТА АСРЛАРДАГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТАРИХИ

Бердиева Турсуной

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13894017>

Аннотация. XVI асрда Термиз ва Чаганиён кулолчилик буюларида темурийлар даври кулолчилик анъаналарининг кузатишими мумкин. Маҳсулотлар тоза ва соғ тупроқдан сифатли қилиб ишланган, оқ, зангори ва мовий рангларда бўялган. Ўрганилаётган даврда идишиларнинг бадиий технологик сифати ўзгариб, маҳсулотлар тўқ зангори рангга бўялган ва гириҳ ва ислими нақшлар билан безатилган.

Калим сўзлар: Сопол, ҳунарманчилик, ранглар, кузалар, Термиз, тагдон.

HISTORY OF PERFORMANCE OF THE CITY OF TERMIZ IN THE LAST MIDDLE CENTURIES

Abstract. In the 16th century, we can trace the pottery traditions of the Timurid era in the ceramics of Termiz and Chaganiyan. The products are made from pure and pure earth, painted in white, blue and blue colors. In the studied period, the artistic and technological quality of the dishes changed, the products were painted in dark blue color and decorated with ghiri and islimi patterns.

Key words: Ceramics, crafts, colors, observations, Termiz, tagdon.

ИСТОРИЯ ИСПОЛНЕНИЯ ГОРОДА ТЕРМИЗА В ПОСЛЕДНИЕ СРЕДНИЕ ВЕКА

Аннотация. В XVI веке мы можем наблюдать гончарные традиции периода Тимуридов в керамике Термеза и Чаганиана. Изделия изготовлены из чистой и чистой земли, окрашены в белый, синий и синий цвета. В изучаемый период изменилось художественное и технологическое качество блюд, изделия окрашивались в темно-синий цвет и украшались узорами гири и ислими.

Ключевые слова: Керамика, ремесла, цвета, наблюдения, Термез, тагдон.

КИРИШ

Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиёning йирик савдо ҳунарманчилик марказлари қаторидан ўрин олган Термиз шаҳрида ҳам ҳунарманчилик ўзига хос тараққиёт даражасига кўтарилиди. Жумладан, кулолчилик Ўрта Осиёning барча шаҳар ва қишлоқларида кенг тараққий қилган соҳа эди. Кулол сўзи Хоразмдан ташқари бошқа ҳудудларда бир хил ишлатилсада, Хоразмда “кумбўзчи” деб аталиши (кумбўз-хумдон демақдир) сир эмас¹.

¹ Пещерева, 1954. стр. 151

Ўрта Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Тошкент, Фиждуон, Риштон каби кулолчилик марказлари қаторидан XVI-XVII асрларда Термиз шаҳри, кейинчалик XVIII аср бошларидан XIX асрнинг охирларига қадар Шеробод, Бойсун, Денов каби кулолчилик ва хунармандчилик марказлари воҳзанинг етакчи шаҳрлари сифатида намоён бўлади.

XVI асрда Термиз ва Чаганиён кулолчилик буюмларида темурийлар даври кулолчилик анъаналарининг кузатишимиз мумкин. Маҳсулотлар тоза ва соз тупроқдан сифатли қилиб ишланган, оқ, зангори ва мовий рангларда бўялган. Ўрганилаётган даврда идишларнинг бадиий технологик сифати ўзгариб, маҳсулотлар тўқ зангори рангга бўялган ва гириҳ ва ислими нақшлар билан безатилган.

XVII-XVIII асрларда моддий тараққиётнинг кўзгуси ҳисобланган хунармандчилик маҳсулотларига бўлган талаб кескин камайиб кетди². Чунки Буюк ипак йўлининг инқирози туфайли халқаро савдо алоқалари издан чиқди. Ўрта Осиё халқаро савдода ўзининг трансконтинентал мавқеини йўқотди. Шунинг учун бу давр кулолчилигида ҳам маҳсулот сифати ўзгариб, маҳсулотлар тўқ зангори, кўк ва яшил ранглар билан безатиладиган бўлди.

Сўнгги ўрта асрлардаги Термиз кулолчилик маҳсулотларини қуйидаги ассортиментга бўлиб ўрганиш мумкин. Улар лаган, тавоқ, коса, нимкоса, шокоса, ликобча, пиёла, тоғора, тувак, чироқ, кўза, сархона, шамдон, туздон каби шаклларга бўлинади.

Идишлардан тоғора, тувак, кўза, чироқ, шамдон кабилар сиркори ва сирланмаган турларга бўлинади. Қуйида биз кулолчилик маҳсулотларининг турлари ва уларнинг типологияси ҳақида қиёсий илмий маълумотларга дикқатимизни қаратамиз.

Тавоқ. Икки гурухга бўлинади. Биринчи, айлана шаклдаги тагдонли, ярим сферик деворли ва гардиши ташқи томонга енгилгина қайрилган идишлар киритилади.

Идишларнинг бу турининг ички томони тўлиқ ва ташқи томонининг юқори қисми сиркори, гардиши зангори ранг билан хошияланган. Гардишининг диаметри 32-38 см.ни, тагдони эса 11-14 см.ни ташкил этади.

Тавоқнинг иккинчи гурухига ярим сферик девордан ташқи томонга енгилгина қайрилган силлиқ гардишлар билан ажралиб турувчи идишлар киритилади. Сопол синифи оч қизил рангда бўлиб, хумдонда сифатли пиширилганлигидан дарак беради. Уларнинг тагдони халқасимон бўлиб, ёйик шаклга эга. Тагдон баландлиги 1-1,2 см, эни – 1,6-3 см. ни ташкил этади. Идишнинг ички томони тўлиқ ва ташқи томонининг юқори қисми оқ, зангори, қулранг, яшил рангларда бўялган ва сифатли сиркори идиш ҳисобланади.

² Мирзаахмедов, 1994.с.44-46

Идишларнинг барчаси ташқи томондан кулол чархида яхши силлиқланган. Тавоқ гардишининг диаметри 28-35 см, тагдон диаметри 9-13 см.ни ташкил этади. Тавоқнинг ҳар иккала гурухига хос хусусиятлар Бухоро, Ўтрорнинг сўнгги ўрта асрларга оид идишлари учун ҳам характерлидир.³

Сўнгги ўрта асрлар тавоқларининг ранги ва безатилишига қараб қуйидаги турларга ажратиш мумкин.

А) Оқ рангга бўялган, гардиш чеккаси зангор хошияли ва жигар рангли турли орнаментларга эга идишлар киритилади.

Б) Кулрангли қалин глазур ва бўёқ берилган., тўқ жигар, яшил, зангори рангли безакларга эга. Безаклар геометрик, ўсимликсизон ва зоолотрик тасвиirlардан иборат.

В) Тўқ қўк, яшил, зангори рангли тавоқлар кенг тарқалган. Бу ҳолатни Сурхон воҳасининг сўнгти ўрта асрлардаги безатиш ва амалий санъатининг ўзига хос хусусияти деб хулоса қилиш мумкин. Уларнинг фақат зангори рангда бўялганларининг гардиш қисмida тўқ жигар рангли безаклар туширилган. Бу гурухдаги тавоқлар япроқсимон, гул барг, тўпбарғул каби исслими безаклар билан тўлдирилган. Идишларнинг бу ҳолатда безатилиши тўкин сочинлик, мўл кўлчилик, хосилдорлик рамзлари ҳисобланади.

Термиз ва унинг вилоятида кенг тарқалган кулолчилик маҳсулотларидан бири косалар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Косалар тагдонига кўра икки гурухга бўлинади.

Чунки бу турдаги идишларнинг энг яхши сақланиб қолган қисми тагдон ҳисобланади.

Бундан ташқари биз олиб борган археологик изланишлар жараёнида кўп топилган сопол синиқлари орасида энг кўп учраган идиш бўлаги тагдонлардан иборат бўлган. Уларнинг биринчи гурухига, тагдони айлана шаклдаги ботик кўринишга эга бўлган идишлар киритилади. Тагдон ярим сферик деворга силлиқ туташиб кетган, гардиши ташқи томонга енгилгина қайрилган. Косаларнинг формалари қадимги даврдан буён ўзгармаган. Уларнинг фақат сифати, бўёқ ва безаклари ўзгариб келмоқда. Масалан, ривожланган ўрта асрларда ишлаб чиқарилган юпқа деворли зангори рангли сиркори косаларни ўхшаш шакллари сўнгги ўрта асрларни биринчи босқичида ҳам ишлаб чиқарилган. Сопол синиги оч сариқ ва оч жигар рангда эканлигига эътибор берилса идишлар ниҳоятда пишиқ ва сифатли ишланганлигини билиш мумкин. Бу эса Термиз кулоллари аждодларимизнинг қадимги анъаналарини давом эттирганликларини англашимиз мумкин. Уларнинг айримларининг гардишларида “кулоқчалар”нинг учраши ва идиш деворининг қовурғасимон қилиб ишлатилиши ҳам фикримизни тасдиқлади.

³ Мирзаахмедов, 1990. С.13; Акишев, Байпаков, Ерзакович, 1981, рис.81,5

Идишларда бу хусусиятларни сақланиб қолиши уларнинг безак берилиши рангларнинг уйғунлашишини яхши билган уста хунармандларнинг бўлганлигидан дарак беради. Яъни идишга ранг ва безак берилганда унга нур тушганида қандай жило тарқатиши ҳисобга олинган.

Бу ҳолат Термиз кулолчилигига бадиий ва амалий санъат юксак даражада тарақкий этганлигини кўрсатади.

Иккинчи турдаги косаларнинг тагдони халқасимон, девори тик тушган, таги ёйик, тагдоннинг деворга туташган жойида кучли қайрилиш кузатилади. Сурхон воҳасининг йирик шаҳарларида ишлаб чиқарилган косагарлик маҳсулотларининг девори ва гардиши тагдон шаклига қараб эмас, балки уларнинг ҳажмига қараб ишланган. Гардишларнинг идишнинг ички ва ташқи томонига қайрилиб туриши косаларнинг иккала гуруҳига ҳам хосдир.

Тагдонларининг диаметри 7,2 – 10 см, баландлиги 0,7-1,5 см, эни 1-1,5 см.ни ташкил этади.

REFERENCES

1. Пещерева, 1954. стр.151
2. Мирзаахмедов, 1994. с.44-46
3. Мирзаахмедов, 1990. С.13; Акишев, Байпаков, Ерзакович, 1981, рис.81,5